Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 23 май
ШАНБА
№ 40 (12780)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кўрик-танлов

## ОРАСТА ҚИЗЛАР – ОҚИЛА ҚИЗЛАР



**Ҳаётимиз кундан-кунга ривожланиб бораётганида пири комил кексаларимиз, давримизнинг етук инсонлари қаторида замонавий билимларга эга, ғайрат-шижоатли ёшларимизнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар глобаллашув жараёнининг энг фаол иштирокчилари. Интернет, мобиль алоқа, сайт, слайд, скайф, электрон почта ва яна бошқа халқаро миқёсдаги воситалар уларга ёд бўлиб кетган. Лекин бундай қулайлик ва имкониятлардан ёшларимиз қандай фойдаланмоқда, улар оммавий маданият ниқоби остидаги иллатларга илакишиб кетмаяптими? Миллий ва маънавий қадриятларимиз юзи хиралашиб қолмаяптими?**

Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан халқ таълими, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими вилоят бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Китобхонлик ва мутолаа маданияти" мавзуида ўтказилган ҳафталик машғулотлар шу саволларга жавоб топиш, китобхонликни кенг тарғиб этиш мақсадига йўналтирилди. Унда "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари фаол иштирок этиб, 5 кун давомида 5 та сараланган китобларни ўқиб, ҳафталик якунида улар мазмун-моҳиятини сўзлаб бериш, эркин фикр-мулоҳазалари, ҳар бир китоб тақдимоти, тарғиботига доир таклиф ва тавсиялар билдириш бўйича қобилиятларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлигида ўтказилаётган ҳафталик республика Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимовларнинг "Сариқ девни миниб", "Дунёнинг ишлари", чет эл адабиёти намоёндаси Антуан Де Сент-Экзюперининг "Кичик шаҳзода" асарлари, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Сайланма"си бўйича қизғин суҳбатлар, мунозаралар билан ўтгач, сараланган 90 нафар энг билимдон, зукко қизлар вилоят миқёсида баҳслашишди.

Аҳамиятлиси, китобсевар қизлар ҳар бир асар юзасидан кенг мушоҳада, чуқур мулоҳаза юрита олиш иқтидорини намойиш этиб, тенгдошларини ҳам китоб мутолаасига чорлашди. Айниқса, 1-ўринга сазовор бўлган Ангрен шаҳри, 2-, 3-ўринларга муносиб кўрилган Чирчиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ тумани ораста қизларининг билим-иқтидори, одоб-ахлоқи барчага манзур бўлди. Шунингдек, паркентлик китобсевар қизларнинг чиқишлари ҳам алоҳида эътироф этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳафталик иштирокчилари ёзги таътил кунларини ҳам бекор ўтказишмайди, китобхонлик давом этади.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ ТУРАРЖОЙ ВА НОТУРАРЖОЙ ХОНАЛАРИДАН ЧИҚАДИГАН ОҚОВА СУВ МИҚДОРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й, 5-сон, 65-модда; 2014 й, 24-сон, 297-модда) Қонуннинг 6-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон "Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2014 йил 24 июлдаги 204-сон қарорига асосан ва "Сувоқова" корхоналарини иқтисодий ва молиявий соғломлаштириш, истеъмолчилардан қабул қилинаётган оқова сув таъминотини яхшилаш мақсадида, ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент вилоятининг шаҳар ва туман шароитларидан келиб чиқиб, уй-жойларнинг санитария-техник жиҳозланганлик даражасига қараб, иссиқ сувнинг оқавага қабул қилиш мониторингига кўра марказлашган иссиқлик тизимига уланган, лекин ҳисоблагичи бўлмаган тақдирда оқова суви миқдори – истеъмол қилинган ичимлик сув ҳажмига нисбатан:

жисмоний шахслар учун – 1,7 (бир бутун ўндан етти);

бюджет ташкилотлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 2,5 (икки бутун ўндан беш);

бошқа юридик шахслар учун – 3 (уч) коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисобланиши жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу тартиб истеъмолчиларга иссиқ сув етказиб бериладиган мавсумдагина қўлланилади.

2. Мазкур қарор 2015 йил 1 июндан эътиборан кучга киради. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилиниши лозим.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У. Раҳимов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМАНОВ.**

Фармон ва ижро

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мутлақо янги йўналиш – тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, ушбу соҳа миллий иқтисодиётимиз ривожи ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилаётгани, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи хусусий сектор улушига тўғри келаётгани, аввало, мустақилликнинг илк кунлариданоқ Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"нинг нақадар ҳаётий ва айнан бозор қонуниятларига асосланган тараққиёт йўли эканини кўрсатади.**

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида "Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифа" эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

**Ўзбекистонда пенсия таъминоти мамлакатимизда шаклланган ижтимоий муҳофаза тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий хусусиятга эга чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутади.**

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг давлат пенсия таъминоти йўналишидаги ижтимоий муҳофазасини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Бундан ташқари, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қарияларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий ва пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик миллий қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури қабул қилинди. Уни амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари аниқ белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдидан

## ТАРҒИБОТЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда яратилган "Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари" номли мультимедиа дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Академия ректори А. Абдувоҳидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ. Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йиллари мамлакатимизда барча соҳаларда туб янгиланиш ва юксалиш даври бўлгани, халқимиз қанчадан-қанча қийинчилик ва машаққатларга қарамай, ўз мақсади сари дадил интилаётгани, бунинг самарасида улкан тараққиёт марраларини қўлга киритилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Бу ҳар қайси инсон, ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, кучли ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш энг муҳим устувор йўналишлардан бирига айланди.

"Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари" мультимедиа ўқув мажмуасида мамлакатимизнинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўли, унинг асосий ривожланиш босқичлари берилган материаллар жамланган. Мазкур қўлланма олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ва ўқувчилари, маънавият тарғиботчилари, кенг аҳоли қатламлари учун мўлжалланган.

Тақдимот маросимида мультимедиа дастуридан таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот жараёнларида кенг фойдаланиш тавсия этилди.

**Д. КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Ташаббус – 2015»

**Президентимиз ташаббуси билан тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, бу орқали мулкдорлар синфини шакллантириш, жамиятда тадбиркорликнинг ролини янада ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, танлов қатнашчиларининг маҳсулот ва хизматлари рекламасини уюштириш мақсадида ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловида шаҳримиз тадбиркор ва ҳунармандлари ҳам муносиб иштирок этмоқда.**

## ШАҲРИМИЗ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

Ўн тўққизинчи бор ўтказилаётган танловнинг аввалги беллашувларида шаҳримиз вакиллари бирор марта ҳам республика босқичига йўлланма олишмаган эди. "Ташаббус – 2015" танловининг вилоят босқичида ҳунармандчилик йўналиши бўйича иштирок этган Мавлуда Андаевага омад кулиб боқди. Унинг миллий каштачиликдаги ишлари юқори баҳоланиб, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишида ғолиб деб топилди. Шунингдек, танловда иштирок этган яна бир вакилимиз, "Зулфиябону-чевар" хусусий корхонаси раҳбари Улуғжон Мирзомурадова "Энг яхши тадбиркор аёл" номинациясида ғолиб бўлди.

Буни шубҳасиз шаҳримиз тадбиркор ва ҳунармандлари фаолиятига берилган юксак ишонч ва рағбат деб биламиз. Умид қиламизки, танловнинг республика босқичида ҳам вакилимиз вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олади.

**Шерали ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Бекобод шаҳар "Ахборот-маслаҳат маркази" унитар корхонаси директори.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ВАЪДА ЭМАС, СУВ КЕРАК...»

**Газетамизниг шу йил 6 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолага вилоят "Сувоқова" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н. Аминов имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда хусусан шундай дейилади:**

"Бўстонлиқ тумани "Искандар" маҳалласида 2014 йил манзилли дастурига асосан узунлиги 2,9 километр бўлган сув қувурлари ҳамда ҳудуд аҳлини ичимлик суви билан таъминловчи иншоотда реконструкция ишлари амалга оширилган. 2015 йил март ойида шу иншоотни электр энергия таъминотига улаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда мазкур объектни топшириш-қабул қилиш жараёнларида ҳақиқатдан ҳам аҳолига ичимлик суви етказиб берилишида узилишлар кузатилган.

Бугунги кунда барча ишлар якунланиб, мавжуд 245 хонадонга тоза ичимлик суви бир маромда етказиб берилмоқда".

Жавобга юқоридагиларни тасдиқлаб, "Искандар" МФЙ раисининг хати ва мутасаддилар тузган далолатнома илова қилинган.

## «ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

**Газетамизнинг 2015 йил 25 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақола ва 20 май сонида шу мақолага Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспорти ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, "Тошвилтранстерминал" автомобилда юк ва йўловчилар ташиш ҳамда автотерминаллар уюшмаси раҳбарларининг жавоби билан танишган Зангиота тумани ҳокимлиги уларга ўз муносабатини билдириб, таҳририятга хат йўллабди. Туман ҳокими С. Абдуллаев имзолаган ушбу хатда шундай дейилади:**

"Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибларга мувофиқ, йўловчиларни ташишни ташкиллаштириш ҳамда йўловчи ташувчи йўналишларни белгилаш жараёни маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирмайди.

Шу муносабат билан, мазкур ижтимоий аҳамиятга эга йўналишда юзага келаётган муаммолар юзасидан, туман ҳокимлиги томонидан мунтазам равишда Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспорти ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига мурожаат этилиб, аҳолига зарурий

(Давоми 2-бетда).

Мурожаатлар жавобсиз қолаяпти

**"Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 4 апрель сонида "Банкка фонус керакми?" ҳамда 8 апрель сонида "Қишлоғимизга қиз беришмаяпти..." мақолалари эълон қилинган эди.**

## СУКУТНИНГ БОИСИ НИМАДА?

"Газетхон эътирози" рукни остида берилган биринчи мақолада "Халқ банки"нинг Бекобод туман бўлимида электр таъминоти узилишлари пайтида юзага келаётган ноқулайликлар туфайли мижозлар азият чекаётгани танқид қилинган бўлса, "Аччиқ, аммо очиқ хат" рукни остида чоп этилган иккинчи мақолада Қуйи Чирчиқ тумани, Абай қишлоғидаги "Эски овул" маҳалласи газлаштирилмагани сабабли туғилаётган муаммолар ҳақида ёзилган эди.

Газетхонларнинг иккала мурожаати ҳам ҳозирча жавобсиз қолмоқда. Сабаби – "Халқ банки" вилоят бошқармаси ҳам, "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасию Қуйи Чирчиқ туман ҳокимлиги ҳам газета чиқишларига ҳанузгача муносабат билдиришмади. Бу ҳақда таҳририятдан юборилган хатлар ҳам эътиборсиз қолдирилаяпти. Сукутнинг боисини нима билан изоҳлаш мумкин? Ёки: "Сабр қилсак, масала ўз-ўзидан унутилади" деб, умид қилишаяптими? Афсуски, бунинг иложи йўқ. Газетхонларимиз мурожаати беиз кетмайди. Улар доим назоратимизда. Шундай экан, таҳририятга умид балан мактуб йўллаган газетхонлар ва биз ҳамон жавоб кутмоқдамиз.

**ТАҲРИРИЯТ.**

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

**"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Хотира – мангу, қадрият – муқаддас" мавзуида ўтказилган тадбирда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этишди.**

Сўз олганлар эзгу амаллари, ибратли ишлари билан кўпчиликка намуна бўлган устозлар хотирасини ёд этдилар. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимиз жасорати тилга олинди. Шунингдек, юртимизда ёши улуғларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида сўз борди.

Тадбир сўнгида "Шош наволари" ансамбли ва эл ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янгради.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни кенг оммага етказиш мақсадида матбуот анжумани ўтказди.**

**Тадбирда республика ва хорижий ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

# НУРОНИЙЛАРГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ



Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Касаба уюшмалари "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги маърузани тингладилар.

– Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳеч бир мамлакатда бўлмаган ёндошув асосида инсон омилига, фуқаролар манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди, – деди маърузачи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. – 1997 йилдан буён амалиётга татбиқ этилаётган ижтимоий йўналишдаги давлат дастурлари ижроси борасидаги Ўзбекистон тажрибасини кўплаб мамлакатлар қизиқиш билан кузатмоқда ва ўрганмоқда.

Маърузадан сўнг савол-жавоб тарзида давом этган матбуот анжуманида 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилингани ва бу йўналишда алоҳида Давлат дастури қабул қилингани мамлакатимизда кекса авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш ишларини янада юксак босқичга олиб чиққанлиги таъкидланди. Жумладан, ушбу дастурда ёши улуғларга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, улар ҳаёти фаровонлигини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тамойиллари белгиланган.

Олтита бўлим, 66-банддан иборат мазкур Давлат дастуридаги 12 та банднинг ижросида республика Касаба уюшмалари Федерацияси масъул этиб белгиланган. Хусусан, дастурнинг биринчи йўналишида пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш мақсадида бу йил бир қатор қонунлар лойиҳаси, республика Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси ҳамда республика Президентининг "2015-2020 йиллар мобайнида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тегишли таклифлар билан иштирок этмоқда.

Давлат дастурининг иккинчи йўналишига мувофиқ, касаба уюшмалари ҳам уруш қатнашчиларига бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маиший техника билан бепул таъминлаш, зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида етказиб бериш, уй-жой шароитларини яхшилаш учун ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби тадбирларни амалга оширмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# РАҒБАТ ВА ИЗЗАТ-ИКРОМ

**Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида республика Президентининг "2014-2018 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган сиёсий, маънавий-маърифий тадбирда партия фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси шифокор ва ҳамширалари иштирок этди.**

Сўзга чиққанлар ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, республика Президентининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берганини алоҳида таъкидлашди.

"Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони нуронийларга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлди. Айниқса, тиббиёт соҳаси, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга оид кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинаётгани улар учун айни муддао бўлмоқда.

Тадбир сўнгида фаол партия аъзоларига Ўзбекистон ХДП вилоят ҳамда туман кенгашларининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари, партия сафига янги қабул қилинган тиббиёт ходимларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Фармон ва ижро

# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Республика Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини оширишнинг янги босқичини бошлаб берди дейиш мумкин.

Ушбу Фармонда кичик бизнесни ривожлантиришга оид рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш, лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини жиноий жавобгарлик даражасигача оширишга алоҳида аҳамият қаратилган. Хусусан, Фармонда микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Муҳим янгиликлардан бири шуки, Фармонда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ишчи ёллашлари мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этилди. Жумладан, шу йилнинг 1 июлидан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёллаган ишчи учун Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш имконияти берилмоқда. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар агар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган бўлса, битирувчининг коллежни тугатганидан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун солиқдан озод этилиши белгиланмоқда.

Эндиликда ушбу Фармон ижросини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида яна бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш устида ишлаш зарур бўлади. Энг муҳими, яратилаётган бундай ҳуқуқий шароитлар юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ёшлар учун минглаб янги иш ўринлари яратиш ва пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Очиқ мулоқот

**Чиноз тумани ҳокимлигида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, соҳа фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида очиқ мулоқот уюштирилди.**

**Вилоят прокуратураси ва республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, 300 дан ортиқ туман тадбиркорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**Мулоқотни вилоят прокурори Жамшид Файзиев олиб борди.**

# МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз бошчилигидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат натижасида, тадбиркорлик жадал ривожланаётир. Буни, 2000 йил ушбу йўналишда ишлаб чиқарилган маҳсулот мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизини ташкил этган бўлса, ўтган йил якунларига кўра бу кўрсаткич 56 фоизга етгани ёки иш билан банд аҳолининг 77 фоизи шу соҳада меҳнат қилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Соҳа ривожланишида тадбиркорликни ташкил этиш, кредит олиш, солиқ тўлаш, экспорт ҳамда ортиқча текширувларнинг олдини олиш каби масалаларда тадбиркорларга қатор қулайлик яратилгани, имтиёз ва преференцияларнинг берилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, шу йилнинг 1 январидан бошлаб микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов миқдорининг 25 фоиздан 15 фоизга камайтирилиши кўплаб янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда.

Очиқ мулоқот жараёнида фаолиятларига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолари бор тадбиркорларнинг мурожаатлари тингланиб, саволларга жавоб берилди.

– Тадбиркорликни ривожлантиришда кредитнинг ўрни беқиёс, – дейди тадбиркор Абдуҳошим Худойқулов. – Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида биз ҳам кредит олишни режалаштиргандик. Учрашувда мурожаатимиз эътиборга олиниб, муаммоимиз ҳал қилинганидан жуда мамнунмиз.

Мулоқот сўнгида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган бир гуруҳ коллеж битирувчиларига банкларнинг кредит ажратиш ҳақидаги сертификатлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров иштирок этди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**





# ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

Жумладан, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий базани, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғларга давлат хизматлари, хусусан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш кўзда тутилган.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида республика Президентининг бир қатор фармонлари қабул қилинди. Чунончи, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан вилоятимизнинг 625 нафар фуқаролари мукофотланди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини нишонлаш муносабати билан 346 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари 700 000 сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирландилар.

2015 йилнинг 1 майидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган 86 нафар фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаш ва 2015 йил давомида 198 нафар 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролардан тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда кўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрилигини текшириш натижаларига кўра аниқланган ортиқча тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқарилмоқда. Шунингдек, 2015 йилнинг 1 майидан уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янги рўйхати тасдиқланди ва рўйхатнинг айрим тоифалари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчиларининг ҳар ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақининг 45 фоизидан 50 фоизи миқдорига, 1941-1945 йиллардаги уруш давридаги меҳнат фронти қатнашчиларининг ҳар ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақининг 18 фоизидан 25 фоизи миқдорига оширилди.

Пенсия ва ижтимоий нафақа миқдори ҳамда тўлов муддати тўғрисидаги маълумотни 10711 рақамига пенсионер ёки нафақа олувчининг пенсионерлик гувоҳномасида кўрсатилган шахсий ҳисобварақни (еттита рақамдан иборат) уяли телефон орқали СМС-сўров сифатида юбориб олиш мумкин.

Фуқаролар ва пенсионерлар давлат пенсия таъминотига оид энг сўнгги маълумотлар билан бевосита Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайти (www.PFUZ.uz) орқали танишишлари мумкин. Сайтга жойлаштирилган пенсия миқдорларини ҳисоблаб чиқишлари мумкин. Бунда фуқароларимиз ўзининг иш стажи ва охирги 10 йиллик иш ҳақларини ушбу калькуляторга жойлаштириш орқали дастлабки пенсия миқдорларини хоҳлаган вақтларида ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Пенсия тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва ўзгартиришлар шуни кўрсатадики, бу йил кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, фахрийларимиз ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этишга, шунингдек, иқтисодиётимиз жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда фуқаролар ва пенсионерларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини яхшилаш, янги имконият ва қулайликлар яратиш ва тизимни янада ривожлантириш, ахборотлашган технологиялардан ҳамда интерактив хизматлардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Улуғбек ХОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ ГАЗЕТАНИ МЕНСИМАСЛИКМИ?»

шарт-шароитлар яратиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш сўраб келинмоқда.

Бундан ташқари, бу борада вужудга келаётган вазиятга ойдинлик киритиб, ечимини топиш ҳамда кенг омма ичида тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида, жорий йилнинг 22 апрель куни туман ҳокимлигида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, тадбирда вилоят мутасадди ташкилотлари раҳбарлари, туман ҳокимлиги масъуллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, 100 нафардан зиёд фуқаролар иштирок этишди.

Учрашув натижалари бўйича ташвишга солаётган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан бир қатор қарорларга келишилган бўлсада, афсуски айримларининг ҳанузгача ечими топилмаяпти.

Мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб, белгиланган жадвалларга мувофиқ жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, йўловчиларни ноқонуний ташиш ҳолатларига чек қўйиш, ҳокимлик органлари ваколатидаги масалаларни ҳал этиш бўйича зарурий тадбирлар ўтказилмоқда".

* * *

**Биринчи мақолага жавобан Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи М. Олимов имзоси билан келган хатда эса қуйидагилар баён қилинган:**

"Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХ бошқармаси томонидан йўловчи ташувчи транспорт воситалари фаолиятини тартибга солиш, бу турдаги транспорт воситалари иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадила бир қатор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, амалий-ташкилий ҳамда профилактик тадбирлар ЙҲХ хизмати ваколати доирасида амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят Солиқ бошқармаси, вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят бўлими билан келишилган ҳолда имзоланган ҳар ойдаги қўшма режага мувофиқ лицензиясиз фаолият кўрсатаётган транспорт воситалари аниқланиб, уларнинг ҳайдовчиларига нисбатан солиқ идоралари томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ва ўз навбатида амалдаги талаблар асосида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида Зангиота туманида ўтказилган тадбирлар давомида лицензиясиз фаолият кўрсатган 38 нафар ҳайдовчига нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суд идораларига юборилган, шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарликни такрорий равишда содир этган 4 нафар ҳайдовчига нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга солиқ идоралари томонидан юборилган бўлиб, жорий йилнинг 2 ва 3 май кунлари ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар давомида 3 нафар ҳайдовчига нисбатан солиқ идоралари томонидан лицензиясиз йўловчи ташиганлик ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди, шунингдек, 5 нафар ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик ҳолатлари аниқланиб, ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Тумандаги йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар масъул ходимлари билан йўловчи ташиш қоидаларига риоя қилиш, йўловчиларга намунали транспорт хизматини кўрсатиш юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.

Вилоят ҳудудида йўловчи ташувчи транспорт воситалари фаолиятини тартибга солиш, бу турдаги транспорт воситалари иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда".

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма

# ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

**Маълумотларга кўра, бу йил Янгийўл туманидаги мавжуд 9 та касб-ҳунар коллежи ва битта академик лицейни икки минг 800 битирувчи тамомлайди. "Алишер Навоий гулшани" боғида мазкур битирувчиларни касбга йўналтириш, ўқишини давом эттириш ва иш билан таъминлаш мақсадида "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ташкил этилди.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 300 дан зиёд коллеж битирувчилари, корхона ва ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўргазмада фаолиятини акс эттирувчи плакат, баннер, видео ва реклама роликлари билан 15 та корхона, коллеж ва олий таълим муассасалари, шунингдек, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Кўргазма давомида иштирокчилар учун турли танлов ва викториналар ҳам уюштирилиб, ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу куни боғда 800 дан ортиқ 9-синф битирувчилари учун "Мутахассислик – сенинг келажагинг" тадбири ҳам бўлиб ўтди.

**Аваз БЕКОВ.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Саломатлик

# САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ташаббуси билан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ядрофизика институтида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, аёллар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.**

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёши улуғ инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2014 йил 1 августда қабул қилинган "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари бунда муҳим дастуриламал бўлаётир.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондидан маълум қилишларича, мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2014 йилда фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги айрим оилаларнинг ижтимоий шароити, психологик муҳити атрофлича ўрганилди. 75 мингга яқин аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар этиб вояга етказиш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган бундай ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Шу йилнинг ўтган даврида, фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари томонидан аҳоли, айниқса, вояга етмаган ўғил-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга соғлом турмуш тарзи ва уни тўғри шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган қарийб 27 минг аёл, саккиз мингдан зиёд ўсмир, умуман, 55 мингга яқин аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларга аниқланган касалликлар бўйича даволаниш учун йўлланмалар берилди.

"Аҳоли саломатлиги йўлида" мавзуида ташкил этилган мазкур тиббий кўрикда фонднинг тиббий-ижтимоий маркази шифокорлари аҳоли, айниқса, ёши улуғ инсонлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

– Кексаликнинг ўзига хос гашти билан бирга, дарди ҳам бўлар экан, – дейди Мирсобит ота Мирвоҳидов. – Шу денг, ёшим ўтинқираб, қулоғим оғирлашиб қолди. Юртбошимиз омон бўлсин. Шифокорларимизга раҳмат. Қаранг, уларнинг ўзи келиб, ширинсуханлик билан қулоғимни кўриб қўйди. Уларнинг айтишича, муолажаларни вақтида олсам, яна аввалгидек, тиқ этган товушни-да эшитар эканман. Биз, кексаларга шундай саодатли кунлар шукуҳини туйиш учун қилинаётган ишлардан жуда хурсанд бўлаяпмиз.

Шу куни фонд томонидан умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва репродуктив саломатлик бўйича тушунтириш-тарғибот тадбирлари ҳам ўтказилди.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сўраган эдингиз...

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*– Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бола ҳуқуқларининг кафолатлари қандай йўсинда белгиланган?*

**Шоҳиста ҚОСИМОВА, Зангиота тумани.**

– Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда она-бола ва оилага эътибор янада кучайди. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари қонуний таъминланадиган бўлди.

– Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 64-моддасида шундай дейилади: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради".

# ШАРТНОМА ШАРТМИ?

*– Бир танишимга қарзга пул бермоқчиман. Нотариусда шартнома расмийлаштириш шартми ёки тилхат олишнинг ўзи кифоями?*

**Зафар РЎЗИЕВ, Янгийўл шаҳри.**

– Жисмоний шахслар ўртасидаги қарз шартномаси, агар унинг суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У қарз олувчининг унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки ашёларнинг муайян миқдори берилганини тасдиқлайдиган тилхат бўлганда ҳам ёзма шаклда тузилган, деб ҳисобланади.

Шу сабабли агар сиз энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан кам суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, битимни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди – ёзма қарз шартномаси ёки қарз олувчининг тилхати кифоя. Қарз шартномасини тузиш чоғида қонун гувоҳлар бўлишини талаб этмайди.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 117-бандига кўра, қарз шартномаси хоҳлаган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Унда қарзнинг қайтарилиш муддати, жойи ва мажбурият бажарилиши усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтириш берилгани кўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

**Саволларга Зангиота туман 13-давлат нотариал идораси нотариуси Шуҳрат ЮСУПОВ жавоб берди.**

ЭЪЛОНЛАР

## ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги 19-сонли қарорига асосан, 2015 йилнинг 9-10 июнь кунлари "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг "Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика Маркази" ОАЖ павильонида (Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй) Тошкент вилоятининг ҳудудий саноат ярмаркаси ўтказилади.

Мазкур ярмаркада вилоятдаги саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишлари таклиф этилади.

Шу муносабат билан Сизларни корхоналар, тадбиркорлар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш учун ҳудудий саноат ярмаркасига лутфан таклиф этамиз.

**Маълумот учун телефон: 233-66-11.**

**Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 сентябрдаги 162 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 7 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи:**

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 5,8007 га, қурилиш остидаги участка майдони 2809,35 кв.метр бўлган, "Ўзэлектромонтаж" ОАЖнинг дам олиш маскани, бошланғич баҳоси - 2 438 173 000 сўм, сотилиш баҳоси - 2 580 000 000 сўм.

**Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 сентябрдаги 159 и/ч-сонли буйруғига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 14 майда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи:**

1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 0,2592 га, бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони 326,7 кв.метр бўлган, шаҳар касб-ҳунар коллежининг қозонхона бино-иншоотлари, бошланғич баҳоси - 194 934 000 сўм, сотилиш баҳоси - 225 000 000 сўм.

## Диққат! Диққат! Диққат!

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси оферта свдоларига таклиф этади**

| № | Давлат объекти номи ва манзили | Балансда сақловчи | Президент, ҳукумат қарор рақами ва санаси | Умумий ер майдони (га) | Бинонинг умумий майдони (кв.м.) | Объектни сотиш қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 155-уй. Собиқ кир ювиш биноси | Тошкент вилояти перинатал маркази | ПҚ-2000 12.07.2013 | 0,023 | 234,5 | 61 366 846,0 |
| 2 | Ангрен шаҳри, Красногорск қўрғонида жойлашган алоқа участкаси биноси | НКМК Жанубий кон бошқармаси | ПҚ-1743 25.04.2012 | 0,380 | 420,62 | 286 257 700,0 |

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномасини тузади.

Талабгорлар давлат активи сотилиш нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қуйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси:

Ғазначилик ҳисоб рақами:
20042186026266000000000002,
СТИР 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси ҲККМ ҳ/р
23402000300100001010, СТИР
201122919, МФО 00014,

Оммавий оферта савдоларига қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин тамом бўлади.

Оммавий оферта савдоси 2015 йил 29 июнь куни соат 11:00 да ўтказилади ва шу куни савдолари (талабгорлардан таклифлар келиб тушмаган давлат активлари бўйича) бўлиб ўтмаган давлат активлари савдолари 2015 йилнинг 12 июль ва 27 июль кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

b) Жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

3. Елимлаб оғзи ёпилган конвертга солинган қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари:

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

– агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-29-77.

E-mail: toshviltorg@umail.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 10.12.2010 й. 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 5 911 496,44 сўм бўлган 1983 йилда и/ч., дав/рақ: 11А6717, "Камаз 5320" русумли техник носоз; 2. 22.01.2013 й. 371/13-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 824 289,44 сўм бўлган 1984 йилда и/ч., дав/рақ: 11V7739 "Москвич АЗЛК" русумли техник носоз; 3. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 1 578 010,92 сўм бўлган 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 10Т297СА, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз; 4. 03.05.2011 й. 3946/11-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 291 773,51 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рақ: 11N9038, "М-412" русумли техник носоз; 5. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 1 233 799,89 сўм бўлган 1985 йилда и/ч., дав/рақ: Т8305ТШ, "УАЗ-469Б" русумли; 6. 26.07.2012 й. 6184/12-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 2 346 404,70 сўм бўлган 1976 йилда и/ч., дав/рақ: 11О9168, "УАЗ-469Б" русумли техник носоз; 7. 06.10.2014 й. 11656/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 680 320 сўм бўлган 2000 йилда и/ч., дав/рақ: 10U264НА "М 412 ИЭ" русумли техник носоз; 8. 19.02.2014 й. 1743/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: бошланғич баҳоси - 16 931 060,69 сўм бўлган 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10О129АА "Матиз" русумли техник носоз; 9. 17.02.2014 й. 1645/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: Шодиева Т. да сақланаётган: бошланғич баҳоси - 17 410 732,42 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10Е235ЎА бўлган, "ГБА Нексия СПГ" русумли техник носоз автортранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 3 июнь куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади. II. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган: 1. 28.10.2014 йилдаги 17849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10U771КА, бошланғич баҳоси - 28 193 523 сўм бўлган "Нексия" русумли техник носоз автотранспорт воситаси; 2. 28.10.2014 йилдаги 17850-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10Н838СА, бошланғич баҳоси - 19 823 400 сўм бўлган "ВАЗ-2107" русумли техник авторанспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2015 йил 4 июнь куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 23.08.2013 йилда № 007392-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NET TRANSLATION" (ИНН 302691073) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади ҳамда тугатилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сонли Қарорига асосан).

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида рўйхатга олинган "DREAM FLIGHT SERVICE" МЧЖнинг устав жамғармаси 21 661 200 сўмдан 11 661 200 сўмга камайишини маълум қилади ҳамда жамиятнинг устав жамғармаси 10 000 000 сўм деб белгиланади. Телефон: (+99890) 969-50-60.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 25.06.2013 йилда № 008128-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А. Темур шоҳкўчаси, 70-уйда жойлашган "KWANG YEOL" (ИНН 302520522) МЧЖ тугатилади (жамиятнинг 20.05.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, А. Темур шоҳкўчаси, 70-уйда қабул қилинади. Телефон: (+99890) 995-49-69.

"MA'RIFAT MATLUBOT" хусусий корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган "AZAMAT-UCHQUN" (ИНН 302635821) МЧЖ тугатилади (14.05.2015 йилдаги қарорга асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 720-98-19 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"NEW STAR GROUP" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 07.05.2013 йилда № 008082-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз мавзеси, 69-уйда жойлашган "ENERGY FOOD" (ИНН 302601943) МЧЖ тугатилади (таъсисчиларнинг 20.05.2015 йилдаги 1-сонли баённомасига асосан). Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 585-84-28 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Вахидов Аскар Анваровичга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Машинасозлар касб-ҳунар коллежи (аввал 18-касб-ҳунар мактаби) томонидан 2001 йилда Садижанова Нилуфар Эркинжановна номига берилган № 260033 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"М-САОДАТ" МЧЖга 30.09.1998 йилда Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 23-мавзе, 56 қаршисида жойлашган савдо дўкони учун берилган № 1-11/98 реестр рақамли бино кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 29.08.2009 йилда № 003532-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MEGA TAXI" (ИНН 207020004) МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 23.04.2012 йилда № 001173-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILMUROD SERVIS" (ИНН 302282344) ХК тугатилади (таъсисчининг буйруғига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99893) 538-26-71 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"SERGELI QURILISH MATERIALLAR VA KONSTUKSIYALAR ZAVODI" (ИНН 200641431) МЧЖнинг устав жамғармаси 21 055 954 сўмдан 19 620 754 сўмга камайишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Сергели тумани, 3-берк дарё бўйи кўчасида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "AYSHONA BIZNES" МЧЖ "AYSHONA LEATHER" МЧЖга қўшилишини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 150-15-63 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан 13.06.2013 йилда Каримов Хуршид Абдуманнабович номига берилган В № 710637 рақамли бакалавр диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Сабирова Мамура Анваровнага тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SPARTAK TOSHKENT" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сергели тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 24.04.2012 йилда № 06-000440 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник 5-мавзе, 2-магазинда жойлашган "GULNORA BONU" (ИНН 202555781) МЧЖ тугатилади (таъсисчининг 19.05.2015 йилдаги баённомасига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник 5-мавзе, 2-магазинда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "SUPER INTER TRADE" МЧЖнинг устав жамғармаси 376 722 500 сўмдан 100 492 500 сўмга камайишини маълум қилади. Жамиятнинг устав жамғармаси 276 230 000 сўм деб белгиланади. Телефон: (+99893) 548-50-88.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 1-сонли ўрта таълим мактаби томонидан 1993-1994 ўқув йилида Ходжаев Саидамир Саидазимович номига берилган U № 565459 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2011 йилда Иброхимов Даврон Холмурод ўғлига берилган № 0073 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 23.12.2014 йилда № 009669-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 12-уй, 28-хонадонда жойлашган "O'KTAMJON DORIVORLARI" (ИНН 303126955) МЧЖ тугатилади (жамиятнинг 15.05.2015 йилдаги 1-сонли қарорига асосан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани, 13-мавзе, 12-уй, 28-хонадонда қабул қилинади. Телефон: (+99894) 410-63-09.

Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган "GANDY ART BUSINESS" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Телефон: (+99871) 277-52-52.

Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи томонидан 2014 йилда Холиқназарова Сайёра Икромжон қизига берилган К № 3542821 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти мудири Нурилла Маҳкамовга падари бузруквори

**Ҳикматулла МАҲКАМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўтмиш билан юзма-юз

# ТАРИХ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ХАЗИНАСИ

**Тарихий, маданий, маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказишда муҳим аҳамиятга эга музейларни ҳақиқий хазина дейиш мумкин. Республикамизда бундай хазиналар бисёр. Айниқса, мустақиллик йилларида бунёд этилган маънавият масканларида шундай беҳисоб бойликлар мавжуд. Дастлаб 68 та бўлган музейлар бугун 90 га яқинлашиб қолди. Улардан бири вилоятимизнинг Ангрен шаҳрида фаолият юритмоқда.**

Ўтган асрнинг 60-йилларида ташкил этилган мазкур "Ўлкашунослик музейи"да 30 мингдан зиёд экспонатлар бўлиб, улар "Қадимий Илоқнинг тарихи", "Қадимги чинисозлар сир-асрорлари"дан сўзлайди. "Мустақиллик йилларидаги Ангрен" ҳақида ҳикоя қилади, ҳар бир томошабинда миллий ғурур, ифтихор, Ватанга муҳаббат, элга садоқат туйғуларини шакллантиради. Халқаро музейлар куни олдидан айниқса гавжумлашиб кетадиган бу маскан ҳақида музей директори Диляра Петиль шундай дейди:

– Ангрен шаҳар "Ўлкашунослик музейи"да ҳар йили сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, музей ходимлари иштирокида кўрик-танловлар уюштириш, "Энг яхши музей ходими", "Энг яхши экспозициячи", "Энг яхши бўлим"ни аниқлаш, уларни тақдирлаш анъанага айланган. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йилида режалаштирган ишларимиз кўп. "Ҳарбий ватанпарварлик куни", "Ўқитувчилар куни", "Музейлар куни", "Бутунжаҳон болаларни ҳимоя қилиш куни", шунингдек, буюк аждодларимизга бағишланган маънавий-маърифий тадбирларда шаҳримиз мактаб, коллеж, лицей ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этишади. Йил бошидан шу кунгача музейга ташриф буюрувчилар 10 минг кишига етиб қолди.

Демак, ўқувчи-ёшларда ўз ўлкасини ўрганиш, тарихига қизиқиш катта. Музейимизнинг энг нодир экспонатларидан бири, яқинда топилган кумуш тангалар солинган кўза қарийб 1700 йиллик тарихга эга. Облиқ қишлоғидан топилган бу ноёб экспонат ўзининг қадимийлиги, жуда яхши ҳолатда сақлангани билан томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда...

**Сайёра ЭШМАТОВА.**



Даврон АҲМАД олган сурат.




### ФАЗОДА МАХФИЙ УЧАР КЕМА

**АҚШда Ер орбитасига кўп марта фойдаланиладиган махфий Boeing X-37 автомат фазо кемасини олиб чиқувчи Atlas V ракетаси учирилди.**

Америка ҳарбий ҳаво кучлари фазога учирган "мини-шаттл"дан қандай мақсадларда фойдаланилиши ва ҳавода бўлиш муддати ҳақида кўп нарса маълум эмас. Фақат шу нарса расман маълум қилиндики, ушбу учар кема ёрдамида Америка ҳарбийлари НАСА билан ҳамкорликда ионли ракета двигателини синовдан ўтказишади. Шунингдек, НАСА METIS лойиҳаси доирасида Boeing X-37 бортида айрим истиқболли ашёларга космик шароитнинг таъсирини тадқиқ этиши ҳам кутилмоқда.

X-37ни яратиш устида НАСА ва Boeing ўзаро ҳамкорликда 1999 йилда иш бошлаган эди. Ўшанда тахминан 700 километр баландликдаги Ер атрофи йўлдошларини таъмирлашда ундан фойдаланиш назарда тутилганди. Бироқ, 2004 йилга келиб, ушбу дастур махфийлаштирилган ва Американинг истиқболли мудофаа илмий-тадқиқот ечилмалари бўйича агентлигига топширилганди. Шунингдек, Boeing X-37 билан боғлиқ бюджет ҳам махфийлаштирилганди. Маълумотларга кўра, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ихтиёрида иккита Boeing X-37 бўлиб, 2010-2012 йилларда улар уч марта фазога кўтарилган ва учала парвоз ҳам муваффақиятли бўлган.

### АВИАКОМПАНИЯЛАР НАЗОРАТИ КУЧАЯДИ

**Хитой Халқ Республикаси чет эл авиакомпанияларининг хавфсизлик қоидаларига амал қилиши устидан назоратни кучайтираётгани маълум қилинди.**

Хусусан, Хитой граждан авиакомпанияси бош бошқармаси шу ҳақда баёнот тарқатди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2005 йилдан буён амал қилаётган "Чет эл ҳаво транспорти воситаларининг андозаларга мувофиқлигини аниқлаш қоидалари"га ушбу талаблар қандай бажарилаётганини баҳолашга қаратилган алоҳида тизим жорий этилмоқда. Ҳар бир хорижий авиакомпанияга "0" балл даража берилади. Олти ой давомида парвозда хавфсизлик муаммоси бўлмаса, "1" балл қўшилади, ҳар бир қоида бузиш учун эса "1" балл олиб ташланади. Агар баҳо "-12"га тушиб кетса, ушбу компания учун ХХРда ишлаш тақиқланади.

Ҳозирги кунда Хитойда 156 хорижий авиакомпания фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар 374 та рейсни амалга оширди. Бу мамлакатдаги умумий парвозларнинг 11 фоизига тенг.

### ҚОЧОҚ ЖАНГАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

**Италияда 22 ёшли марокашлик террорчи Тунисдаги Бардо музейида март ойида содир этилган террорчилик актини тайёрлашда қатнашганликда гумон қилиниб, ҳибсга олингани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Милан полицияси маълум қилишича, қўлга олинган Туил Абдулмажид устидан яна бир нечта мамлакатда қидирув эълон қилинган эди. Италия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, террорчи онаси ҳамда икки ака-укаси билан Милан атрофида яшаган.

Тунис марказидаги террорчилик ҳаракати шу йил 18 мартда содир этилди. Ҳарбий кийимдаги террорчилар Тунис пойтахтидаги парламент биноси ёнида қуроллардан тартибсиз ўт очиб, сўнг шу ердаги музейга бостириб кирдилар ва одамларни гаровга олдилар. Натижада 20 саёҳатчи ҳалок бўлди. Террорчиларга қарши операцияда икки жангари ўлдирилди, учинчиси эса қочиб кетишга улгурган эди. Ва ниҳоят, у ҳам қўлга тушди.

### МУЗЕЙДА МЕССИНИНГ МУМ ҲАЙКАЛИ

**Испаниянинг "Барселона" футбол клуби ҳамда "Аргентина" терма жамоаси ҳужумчиси Лионел Мессининг мўмиёдан ясалган ҳайкали Нью-Йоркдаги Тюссо хоним музейидан жой олди.**

Маҳаллий нашрларнинг ёзишича, ушбу ҳайкални ясаш учун 20 нафар уста қарийб тўрт ой давомида меҳнат қилган. Музей ходимларининг айтишича, футболчининг образини яратишда унинг фотосуратлари ҳамда видеоёзувлардан фойдаланилди. Хусусан, Мессининг сочларини аслига ўхшатиш учун қарийб олти ҳафта керак бўлди.

Илгари Тюссо хоним музейининг турли шаҳарлардаги филиалларидан Криштиану Роналду, Манэул Нойер, Уэйн Руни, Дэвид Бэкхем каби машҳур футболчиларнинг ҳам шундай ҳайкаллари жой олган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Маданият

# РАҚСЛАРДА ГЎЗАЛЛИК СЕҲРИ

**Бекобод туманидаги 16-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга еттита йўналиш бўйича санъат сирлари ўргатилаяпти. Айниқса, хореография бўлимига болажонларнинг қизиқиши катта. Бу бўлимда ҳозирда эллик нафардан зиёд ўқувчи сабоқ олаяпти.**



Тожихон опа Қурбонова тажрибали хореография ўқитувчиси. Ўз вақтида Мукаррама Турғунбоева унга устозлик қилиб, хореография билим юртида ўқишга тавсия қилган эди. Ўшанда рақс санъатининг жозибасини қунт билан ўрганиб, мана энди ўзи ҳам кўп йиллардан буён ёшлар қалбига нафосат улашиб келаяпти.

Айнан Тожихон опа раҳбарлигида қизлар миллий услубдаги ўзбек халқ рақсларини завқ билан ўрганишаяпти. "Доира рақси", "Бухороча рақс", "Андижон полкаси", "Лазги", "Тановар", "Роҳат", "Чўпон", "Шўх қиз" сингари рақслар уларнинг доимий репертуаридан ўрин олган. Ҳозиргача ўттизга яқин замонавий ва миллий рақслар ўргатилди.

Шуҳрат Очилов, Тўйчивой Ҳайдаров, Яҳёбек Тожибоев каби мусиқачиларнинг оҳангларни маромига етказиб ижро этишаётгани ҳам эътиборга сазовор. Замонавий ва хорижий рақсларни ўргатишда ўқитувчи Феруза Толипованинг саъй-ҳаракатларини ҳам таъкидлаш ўринли.

Яқинда жамоа ўзининг ҳисобот концертини намойиш этди. Концертга ташриф буюрган ота-оналар ва меҳмонлар мамнун бўлишди.

**Ашурали БОЙМУРОД.**

Bolalik bog`i

# YOLG`ONNING UMRI QISQA

Pista xola degan qo`shnimiz bo`lardi. U ko`chaga qaragan derazasi oldida o`tirib, o`tgan-ketganni kuzatardi. Biz bolakaylar futbol tepib, kunora xolaning oynasini sindirardik.

Bir kuni men tepgan to`p xolaning oynasini chil-chil qildi. Buni kuzatib o`tirgan Pista xola tanbeh berdi:

– Hay, bolam, qani, onangni chaqir. Oynani butlab bersin.

– Yo`q, men emas, Tohir sindirdi, – deb yolg`on gapirdim.

– Voy, nega yolg`on gapirasan, o`zing sindirding-ku! – deya yig`lab yubordi Tohir.

– Qo`y, yig`lama, Tohir, men guvohman, oynani u sindirdi. – Hasan Tohirning yonini oldi. Qolgan bolalar ham chuvullashib buni tasdiqlashdi.

– E, borlaring, endi senlar bilan o`ynamayman. Nuqul oyna sinsa menga to`nkaysanlar.

– Iye-iye, bu nima deganing, o`rtoq? Axir sen tepgan to`p oynani chil-chil qilganini hammamiz ko`rdik-ku! – dedi Bahodir.

– Senlarni tillaring bir ekan. Kecha ham Tohir sindirgan oynani mening bo`ynimga ilgandilaring, – dedim.

Baqir-chaqirimizni eshitgan onam uydan chiqib keldilar:

– Hay-hay, nima gap, tinchlikmi? Janjallaring olamni buzadi-ya. Hozirgina ajabtovur o`ynab turgandilaring-ku!

Pista xola gapga aralashdi:

– Qumrixon, bularning janjaliga men guvohman. Oynamni sening o`g`ling sindirib, Tohirga to`nkab, yolg`on gapirayapti.

– Qani, beri kel-chi, o`g`lim. Rostini ayt, Pista xolang to`g`ri aytyaptilarmi?

– ...

– Demak, yolg`oning fosh bo`ldi. Bolam, ikkala qulog`ingga quyib ol, yolg`onning umri qisqa bo`ladi.

O`sha kungi yolg`onim eng so`ngisi bo`lib, hayotimda bir umrga muhrlanib qoldi.

**Latifjon MANSUROV.**

Кўзгудаги ўзимиз




Ишхонасидан эртароқ чиққан Карима онасиникига жўнади. Қизи билан анча дардлашган она уни қистовга олди:

– Борақол, қизим. Эрим даволанаяпти деяпсан-у, бемалол ўтиришингни қара. Қозон қайнат, кўнгли тусаганини пишириб бер. Топар-тутари ночорроқ бўлса-да, қизингнинг отаси, сенинг ярминг у.

– Вой, ойижон-эй, ўзи анави "файласуф"нинг насиҳатлари жонимга теккан. Нима эмиш, борига қаноат қилиш, сабр-тоқат билан яшаш керакмиш. Ҳалол бўлсак, бир-биримизни ҳурмат қилиб, тинч-тотув яшасак, Худонинг ўзи барака беради, дейди. Ахир барака бериши учун ҳаракат қилиш керакми? Бўш қоп тик турмайди. Ўзича ҳақиқатгўй, адолатпарварлигига ўлайми, яна?! Жа-а, эрга ёлчиганман-да...

– Қўй, қизим, Рашиджон яхши йигит. Сени иззат қилади. Хоҳлаган жойингга борасан, хоҳлаган кийимингни киясан. Бўш-баёв бўлгани яхши. Тепангда ўдағайлаб, ичиб, чекиб, ҳар куни турли баҳоналар билан дўппослаб турса, ундан ёмони йўқ.

Карима дарвозадан кирганида Рашид ҳовлининг ўртасида хонтахта ясаб ўтирарди:

– Эртага ойим билан сингилларим келишар экан. Уйдаги хонтахта кичикроқ назаримда. Қизимиз Комиланинг туғилган кунида хижолат бўлгандик.

– Ҳм-м, нима муносабат билан келишмоқчи?

– Ўзлари, йўқлаб, бетоблигимни эшитиб...

– Салга ваҳима қилдингизми? Ҳали ойлик олганингиз йўқ. Музлаткич бўмбўш. Сал орқа-олдига қараб, меҳмон чақиради-да, одам деган. Бунинг устига мен эртага ишдан кеч қайтаман, бошлиғимизнинг туғилган кунига борамиз.

– ...

Ўша туғилган кундан кейин Каримманинг кийиниши, қадам олиши ҳам ўзгарди. Рашид хотинини бир кун маст ҳолда, бир кун алламаҳалда, кириб келишидан ғазабланиб юрди. Карима ҳатто қизига бефарқ бўлиб қолди. Комиланинг ташвиши энди бутунлай Рашиднинг зиммасида.

– Мен кетаяпман, – деди бир куни у дабдурустдан кийимларини йиғиштирар экан. – Қуруқ насиҳат билан қорин тўярмиди? Ана, ёшроғига уйланинг-да, насиҳат қилиб яшайверинг. Комилани уч-тўрт кундан кейин олиб кетарман.



...Кўчадан бахт ахтаришни маъқул кўрган Карима бегона шаҳарда узоқ қолиб кетди. Пароканда ҳаёт сабаб касал бўлиб, ётиб қолди. Ишонган "тоғи"нинг қораси кўринмай, ҳолидан хабар оладиган киши топилмади. Охирги илинж, бувисидан қолган мерос – зирагини сотиб, даволанди. Кучга кириб, кўча супурди, бозорда сотувчиларга қарашиб, пул жамғарди. Амаллаб, ота уйига келди.

Аммо қўшнисидан онаси омонатини топширгани, маҳалла-кўй ўқишдан аранг етиб келган укасига қарашиб, уни кўмишгани, уйлари ҳозир таянч пункти назоратида эканини эшитгач, яна тоби қочиб, шифохонага тушди. Ичиш, чекиш ва сиқилишлардан юраги обдон хасталанган аёлни узоқ даволашди. Бу орада хушрўйгина, ширинсўз, одамшаванда ҳамшира Зулфия билан апоқ-чапоқ бўлиб қолди. Унинг далдалари Каримага куч берарди. Қизи билан ўғлининг қилиқларини, чучук тилдаги гап-сўзларини айтиб, адо қилолмайдиган Зулфия ҳар куни беморларига ҳам яхши кайфият улашарди.

Каримага жавоб берилган куни борар жойи йўқлигини билган Зулфия қўярда-қўймай, уни ишдан сўнг уйига бошлаб келди. Остона ҳатлаб, ичкарига қадам қўйган Карима негадир юраги ҳаприқиб, ўзини ёмон ҳис қилди. "Ойижоним келдилар", дея Зулфиянинг қучоғига отилган қизи Комилани кўриб, донг қотди...

**Ҳулкар ЎРОЛОВА.**

Кўргазма

# ЁШ МУСАВВИРЛАР ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб "Кексалар доим эъзозда" деб номланган кўргазма ҳамда расмлар танлови ташкил этилди.**

Тадбирда ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, юксак маънавиятли инсонлар этиб камолга етказишда нуронийларнинг ибратли ва бой ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида ҳам бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, навқирон авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, ҳалоллик каби фазилатларни камол топтиришда табаррук отахон ва онахонларнинг ўгит ва йўл-йўриқларидан кенг фойдаланишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Кўргазмада Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби бошланғич синф ўқувчиларидан 71 нафарининг ижодий ишлари намойиш этилаётир. Улардан М. Воҳиджонова, П. Хегай, Р. Қодирова, Т. Ёрқинов, А. Тўраев ва бошқаларнинг асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ёш мусаввирлар асарларида қадимий шаҳарларимиз, меъморий обидалар, жонажон Ватанимизнинг бетакрор табиати манзаралари, табаррук нуронийлар акс эттирилган.

Танловда энг яхши ижодий ишлари учун бир қатор ёш мусаввирлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ф. ИБОДОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 04.06.2003 йилда № 08-001050 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHILONZOR DENTAL SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 70 920 000 сўмдан 67 799 520 сўмга камайишини маълум қилади.

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 09.01.2013 йилда № 006457-09 реесатр рақами билан рўйхатга олинган "AFINA GROUP" (ИНН 302453907) МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99898) 300-79-07 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2000 йилда Евгений Александрович Хван номига берилган № 402216 (рўйхат рақами № 104) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Паркент тумани 15-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Жўраев Дилшод Ўктамович номига берилган O'R-SH № 0740975 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"KAFOLAT" ДАСК АЖ Тошкент шаҳар филиали М. Улуғбек тумани бўлими томонидан 2013-2014 йиллардаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш" бўйича берилган KF 888679, KF 888682, KF 987945, KF 1016331, KF 1178471, KF 1178472, KF 1178473, KF 1178474, KF 1178475 рақамли полислар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЧЖ шаклидаги "FADIAB INDUSTIES" Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонасига тегишли бўлган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2980. Адади 13740. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.